

ИСЛОМ УЛАМОЛАРИНИНГ МУТАШОБИХ ОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪВИЛИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

THE VIEWS OF ISLAMIC SCHOLARS ON THE MUTASABIH AYATH AND THEIR TRANSLATION

МНЕНИЯ ИСЛАМСКИХ УЧЕНЫХ ОБ АЯТАХ МУТАШАБИХ И ИХ ПЕРЕВОД

MUXTAROV Bekzodbek

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN

Head of the department in the Center of Excellence,

PhD of historical sciences, docent

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

abdulbosit.2014@mail.ru

DOI: 10.47980/PIAU/2024/4/9

Аннотация. Қуръон карим оятлари ундан кўзланган мақсад эшитувчига тушунарли бўлиш ёки бўлмаслиги эътиборидан муҳкам ва муташибих оятларга бўлинади. Олимлар “Муташибих” оятларнинг таърифи хусусида турлича қарашларни илгари суришган. Олимларнинг бир қисми муташибихни “Маъноси яширин ва таъвилга муҳтож бўлган, таъвилга мурожаат қилмасдан тушуниб бўлмайдиган, қасд қилинган маънонинг нима эканлиги хусусида хулоса қиладиган аниқ маъноси йўқлиги каби алоҳида шарҳга муҳтож бўлган оятлар” сифатида таърифланган.

Аксар уламолар эса, муташибих оятларнинг бир қарашда маъноси борлигини, фақат уларнинг изоҳларининг, таъвилларининг қайси бири энг тўғри эканлигини ёлғиз Аллоҳнинг билишини, инсоннинг буilmга эга эмаслигини айтадилар. Улар Салаф оимларидир. Улар муташибих оятларни борлигича қабул қилиб, таққослаш билан бирга таъвилга ҳам кетмаслик кераклигига ишонадилар. Бу гуруҳнинг ишори ақлга вазифа бермаслик ва муташибих оятларнинг шарҳига киришмасликдир. Уларга кўра, таъвилга эргашганлар тахмин қиладилар. Таъвил гумонга асосланиб берилган ҳужмдир. Шу сабабли, муташибих оятлар ҳақида тахмин, гумон билан ҳукм қилиш уларнинг наздида тўғри эмас. Бу эътиқодга ишонган “Салафи солиҳлар: “Муташибих оятларнинг зоҳирига ишониб, ботинини тасдиқлаймиз. Ички моҳиятининг англанишини Аллоҳга ҳавола қиламиз. Зеро, биз уни билиш мажбуриятида эмасмиз. Бу хусус имоннинг шарт ва ҳукмларидан бири ҳам эмас” дейдилар.

Муташибих оятлар билан уларнинг шарҳлари ва улардаги асл моҳиятни юзага чиқариш учун гайрат қилган оимларга келсак, улар “Ҳалаф мактаби”ни ташиқил этишган. Уларнинг наздида Қуръон сирлар ва муаммолар жамланган, шунингдек, ёпиқ ва ноаниқ китоб эмас.

Қуръон ўзининг аниқ тилда нозил бўлгани, оятларнинг изчил равишда баён қилингани, уни тинглаганнинг тушуниши, ақлини ишлатиши, тафаккур қилиши ва ихтилофларни у билан ечиши кераклиги ва шунинг учун нозил бўлганини ифода этади.

Ушбу мақолада ислом уламоларининг муташибих оятлар ва уларнинг таъвил қилиш ёки қилмаслик борасидаги қарашлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: оимлар, мутакаллим, усул оимлари, муфассирлар, муҳкам, муташибих, муташибих сифатлар, таъвил, тафсир, оят, ташибеҳ.

Annotation. The verses of the Holy Quran are divided into strong and weak verses based on whether their intended purpose is clear to the listener or not. Scholars have put forward different views on the definition of “mutashabih” verses. Some scholars have defined mutashabih as “verses whose meaning is hidden and in need of interpretation, which cannot be understood without resorting to interpretation, and which require separate commentary, such as the absence of a clear meaning from which to conclude what the intended meaning is.

Most scholars, however, say that the mutashabih verses have a single meaning, but only God knows which of their explanations and interpretations is the most correct, and that man does not possess this knowledge. They are the scholars of the Salaf. They believe that one should accept the mutashabih verses at face value and not resort to interpretation along with comparison. The motto of this group is not to give tasks to the mind and not to enter into the commentary of the Mutashabih verses. According to them, those who follow ta’wil is a speculate. Ta’wil is a judgment based on suspicion. Therefore, they do not believe that it is correct to judge by conjecture or suspicion about mutashabih verses. The righteous Salafists who believed in this belief said: “We believe in the externals of the mutashabih verses and confirm their internals. We refer the understanding of its inner essence to Allah. After all, we are not obliged to know it. This is not one of the conditions or rules of faith,” they say.

As for the scholars who worked hard to uncover the true essence of the Mutashabih verses, their interpretations, and their interpretations, they established the “Khalaf School”. In their view, the Quran is not a book full of mysteries and problems, nor is it a closed and ambiguous book. The Quran expresses that it was revealed in a clear language, that the verses are explained in a coherent manner, and that the listener should understand it, use his or her mind, reflect on it, and resolve disagreements with it, and that is why it was revealed. This article analyzes Islamic scholars’ views on mutashabih verses and their interpretation or not.

Key words: scholars, mutakallim, usul scholars, commentators, muhkam, mutashabih, mutashabih adjectives, ta’wil, tafsir, verse, allusion.

Аннотация. Аяты Священного Корана делятся на аяты мухкам и муташибих, в зависимости от того, понятна ли слушателю намеченная цель или нет. Ученые выдвигали различные точки зрения на определение аятов «муташибих». Некоторые ученые определяли муташибих как «аяты, смысл которых скрыт и нуждается в интерпретации, которые невозможно

понять без ссылки на интерпретацию и которые требуют отдельной интерпретации, например, нет четкого смысла, позволяющего сделать вывод о том, каково предполагаемое значение».

Большинство учёных говорят, что аяты муташибих имеют смысл с первого взгляда, только Богу известно, какие из их интерпретаций и толкований самые правильные, а человек не обладает этим знанием. Они являются учёными салаф. Они считают, что необходимо принимать аяты муташибих такими, какие они есть, а не вдаваться в та'вил вместе со сравнением. Девиз этой группы – не задавать задач уму и не вдаваться в комментарии аятов муташибих. По их мнению, те, кто следует за та'вилем, размышляют. Та'вил – это суждение, основанное на подозрении, сомнении. По этой причине, по их мнению, неправильно рассуждать о аятах-муташибих и судить с подозрением. Праведные салафиты, верившие в это утверждение, говорили: «Мы верим во внешнюю сторону аятов муташибих и подтверждаем их внутреннюю суть. Понимание его внутренней сути мы относим к Аллаху. Ведь мы не обязаны это знать. Это не является одним из условий и правил особой веры».

Что касается ученых, которые стремились раскрыть истинную суть аятов и их толкований, они сформировали «Школу Халафа». Для них Коран – не книга, полная тайн и проблем, а также закрытая и неясная книга. Коран выражает тот факт, что он был ниспослан ясным языком, что аяты были изложены связно, что слушатель должен понимать, использовать свой разум, думать и разрешать с его помощью споры, и именно поэтому был ниспослан.

В данной статье анализируются взгляды исламских ученых относительно аятов муташибих и возможности (или невозможности) их та'виля.

Ключевые слова: Учёные, мутакаллим, учёные усуля, мутафассиры, мухкам, муташибих, качества муташибих, толкование (та'вил), тафсир, аят, ташибих.

КИРИШ

Муташибих сўзи араб тилидан олинган бўлиб, луғатда «Икки нарсанинг бир-бирига ўхшаши, ўзлаштирилган, қариндошлик, икки нарсанинг бири бошқасига тахмин қилинадиган шаклда ўхшаши, ажратиш қийин бўлган даражада бир-бирига ўхшаган, ноаниқ, ёпиқ бўлган, аниқ бўлмаган» маъносини билдирувчи «ش-ب-ه» ўзак феълнинг ташобух масдаридан пайдо бўлган сўз бўлиб, ўхшаш нарсаларга, бир-бирига ўхшаган нарсаларга нисбатан қўлланилади. Шунингдек, муташибих сўзи қоришиқ ва чалкаш қисмлари бўлган нарсаларни ҳам ифода этади (Zamakhshariy M., 1960:320). Яна инсон ақли бу ўхшашлик сабабли бир-бирларининг орасидаги фарқни ажратиши жуда қийин бўлади. Бу ҳолатга иштибоҳ, яъни аралаш ўхшашлик дейилади (Daynuriy A., 1955:101). умумий ҳолатда муташибих сўзи араб тилида тўғридан тўғри танланмайдиган,

аралаш бўлган ва бир-бирига ўхшаган нарсаларга айтилади. Муташибих оятлар деб осонлик билан тушунилмайдиган, бир қанча маънога эҳтимоли бўлиб, улардан бирини танлай олиш учун бир далилга эҳтиёж пайдо бўлган, қандай маънони билдириши бир қарашда сезилмайдиган, маъноси аниқ ва очиқ бўлмаган, табиати ва мавжудлиги аниқ бўлсада, таркиби яъни аниқлиги маълум бўлмаган, маъносида қатъий ҳукм берилмаган ибораларга ва оятларга айтилади» (Zarkashiy B., 1957:112).

Бу билан муташибихларни маъносиз ва беҳуда сўзлар деб тушунмаслик даркор. Чунки муташибихларнинг маънолари билинади, фақат маъноларининг кўплиги сабабли аниқ бир мақсадни белгилаш мумкин эмасдек кўринади. Шу боис бу тушунча киноя, тамсил, мажоз, ҳақиқат, таҳқиқ, аниқ, зоҳир сингари изоҳларнинг ҳамма шаклини ўз ичига қамраб олади. Натижада уламолар уни «ал-Маълумул-мажхул» яъни, «Номаълум маълум» ибораси билан ифодалаган (Yazir E., 1992:153-154).

Усул олимлари муташибихни шундай таърифлаган: «Ўзидан қасд қилинган маънонинг, дунёда ҳеч ким билмайдиган ёки фақатгина илмда устун мартабага эга кишиларга маълум бўладиган ўлчовда ёпиқ (яширин) бўлган иборалардир» (Şaban Z., 1990:331).

Демак, муташибих оятдан жой олган бир ибора ўрнига қараб, бошқа оятларда фарқли маъноларда келиши мумкин, фақат ҳар бирининг мақсад қилиниши нуқтаи назаридан маънолар бир-бирига ўхшайди, шу сабабли қайси маънонинг мақсад қилингани очиқ билинмайди. Муташибихнинг қарама-қаршиси бўлган муҳкам эса аниқ маънога ва ундан бошқа эҳтимоли бўлмаган аниқ мазмунга эга хабар ҳисобланади.

УСЛУБЛАР

Мазкур мақолада мутакаллим, усул олимлари, фақиҳ ва муфассирлардан иборат ислом уламоларининг муҳкам ва муташибих оятлар, уларнинг таъвили борасидаги қарашлари қиёслаш, анализ, синтез методлари асосида илмий таҳлил этилган.

ТАҲЛИЛ

Оятларинг муҳкам ва муташибих шаклида тафовутли бўлиши «Оли Имрон» сурасининг 7-оятида келтириб ўтидиган: «У сенга китобни туширган Зотдир. Унда муҳкам – ойдин оятлар ҳам бор ва улар китобнинг аслидир ва муташибих оятлар ҳам бор. Қалбларида ҳидоятдан оғиш борлар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида

ундан муташобих бўлганига эргашадир. Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас. Илмда собит бўлганлар эса: Унга имон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир, дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эсларлар” (Mansur A., 2020:50).

Бу оятга келтирилган изоҳлар муҳкам атамасининг ва унинг зидди бўлган муташобихнинг маъно ва қамров доирасини аниқлашда энг муҳим ролни ўйнаган. Шу асосда куйидаги қарашлар баён этилган:

1. Муҳкам маъноси бошқа изоҳга эҳтиёж туғдирмайдиган даражада аниқ, муташобих эса маъноси барча кишига ёки кўпчиликка мавҳум, шунингдек шарҳга муҳтож бўлган оятлардир.

2. Муҳкамнинг ягона маъноси бўлиб, таъвилга эҳтиёж туғдирмайдиган, муташобих бирдан ортиқ маънога эҳтимоли бўлиб, осонликча тушуниладиган оятлардир.

3. Муҳкам ўзидан нима қасд қилинганлиги далолатининг аниқлиги сабабли ёки таъвил йўли билан тушуниладиган, муташобих эса ҳуруфи муқаттаот ва қиёмат вақти каби маъноси фақат Аллоҳ томонидан билинган оятлар.

4. Муҳкам фарзлар, ҳалол ва ҳаром, ваъда ва қасамни билдирган оятлар, муташобих эса қиссалар ва масаллар акс этган оятлардир.

5. Муҳкам имон келтириладиган ва у билан амал қилинган оятлар бўлса, муташобих амал қилинмаган, фақат имон келтириладиган оятлардир.

6. Муҳкам мансух бўлмаган ёки ўзи насх қилиниш ҳолатида бўлган, муташобих насх қилинган оятлардир.

7. Муҳкам камчилиги ақл билан идрок этиладиган, муташобих нуқсонлари билинмаган оятлардир.

Яна Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.) даврида “Муҳкам”ни ўқиганини айтган ва бу билан муфассал сураларни қасд қилгани келтирилган.

Роғиб Исфажоний оятларни уч қисм: муҳкам, мутлоқ муташобих ва бир тарафдан муҳкам, бир тарафдан муташобих бўлган оятларга ажратган (Başoğlu T., 2006:42).

Уламолар муҳкам оятларни ҳамма била оладиган, муташобих оятлар эса фақат чуқур илм эгалари биладиган оятлар, деб таърифлаган. Яна бошқалар муҳкамлар таъвилида иттифоқ қилинган оятлар, муташобихлар эса таъвилида ихтилоф қилинган оятлардир, деб атаганлар.

Олимларнинг биринчи катта қисми Қуръон бутунлигича муҳкам, иккинчи гуруҳ олимлар эса Қуръон бутунлигича муташобих деган ифодани қўллаб, бунга “Худ” сураси, 1-оят ва “Зумар” сураси, 23-оятларидаги эслатмаларни мисол келтиради. Бу қараш нуқтаи назаридан Қуръоннинг бутунлигича муҳкам бўлиши Аллоҳдан келган ҳар бир сўз

инсонлар англаши учун юборилганини назарда тутилган. Қуръоннинг бутунлай муташобих бўлиши оятларнинг асл маъноси фақат Аллоҳ таоло билиши ёки ҳар бир оят бир тўғрилиқ ва гўзаллиқ жиҳатидан ўхшашлиги эҳтимоли билан изоҳланган (Roziy F., 1986:230-231). Муфассирлар оятларда келган муташобихларга “Муташобихи ом”, муҳкамларга эса “Муҳками ом” номини беришган. “Оли Имрон” сураси, 7-оятда ифода қилинганларга эса “Муҳками хос” ва “Муташобихи хос” дейишган (Yavuz Y., 2006:204).

Изоҳда келтирилганидек муҳкам ва муташобих сўзлари Қуръонда фарқли маъноларда қўлланган. Бу оятларнинг барчаси умумий ҳолатда уч қисмга бўлинган:

1. *Қуръоннинг барчаси муҳкамдир.* “Алиф, Лам, Ро. Бу китоб шундай бир китобки, унинг оятлари муҳкам қилингандир” (“Худ” сураси, 1-оят) оятига кўра Қуръоннинг барча оятлари муҳкамдир. Бундан кўзланган мақсад - унинг ҳақ китоб эканлиги, унда бирор нуқсон йўқлиги, ибораларнинг фасих, маъноларининг саҳиҳ, бутун оятларнинг эса ҳикматга тўла эканлигини билдиришдир.

2. *Қуръоннинг барчаси муташобихдир.* “Аллоҳ энг гўзал сўзни туширгандир. У муташобих китобдир” (“Зумар” сураси, 3-оят) оятига кўра Қуръоннинг барчаси муташобихдир. Муташобих сўзи бир-бирига ўхшаш маънодадир. Шунга кўра бу оятдаги муташобихдан мақсад Қуръоннинг барча оятлари гўзаллиқ, тўғрилиқ ва ҳидоятни кўрсатиши нуқтаи назаридан бир-бирига ўхшаш демакдир. Ҳар оятнинг бир маъноси бор. Фақат бу маънолар ҳеч қачон бир-бирига зид бўлмайди.

3. *Қуръоннинг бир қисми муҳкам, бир қисми эса муташобихдир.* “У сенга Китобни туширган Зотдир. Унда муҳкам - ойдин оятлар ҳам бор ва улар китобнинг аслидир ва муташобих оятлар ҳам бор. Қалбларида ҳидоятдан оғиш борлар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига эргашадир. Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас. Илмда собит бўлганлар эса: Унга имон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир, дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эсларлар” (“Оли Имрон” сураси, 7-оят). Яъни, эй Муҳаммад! Қуръонни сенга Аллоҳ нозил қилди. Ҳеч ким бу ҳақда шубҳа қилмасин. Бу Китобнинг ичида бир-бирига зид бўлган ҳеч қандай ҳукм йўқдир. Оятлар бир-бири билан қарама-қарши эмас. Қуръондаги оятларнинг бир қисми муҳкамдир, улар Китобнинг тамали ва асосидир. Булар маъноси ва тафсири аниқ, ягона маъно ифода қиладиган, бошқа маъно бермайдиган, мазмун сохталаштирилиб, ўзгартирилмайдиган, бошқа далилларга ва исботларга эҳтиёж туғилмасдан англашиладиган, ҳаромни, ҳалолни, амрларни, наҳий

(қайтарик)ларни, ваъдани, таҳдид (шариат чегараси) ни, жазоларни, ўғитларни ва ибратларни ўзида жам қилган, ўзи билан амал қилинадиган оятлардир. Қуръоннинг жуда оз қисми эса муташобихдир. Улар ҳақиқий маъносини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган, бир қанча маъноси мавжуд бўлган, маъноси сохталаштиришга, ўзгарувчи маънолар бериш мумкин бўлган, тушунилиши учун бошқа далилларга ва изоҳларга эҳтиёж сезиладиган, Қуръоннинг ваъдаларини ва мисолларини англатадиган, ўзи билан ҳаётда амал қилинмаган оятлардир. Қалбларида шубҳа касаллиги бўлган, ҳақиқатни истамаган кимсалар, мусулмонлар орасида фитна чиқариш учун муташобих оятларни ўз орзу ҳавасларига кўра таъвил қиладилар” (Kalkan A., 2014:187).

Ислом тарихида ҳар бир мазҳаб ўз қарашларига кўра муҳкам-муташобихни таснифлаган. Масалан, Мўътазиланинг муҳкам дейишига, Ашъарийларнинг муташобих дейишига сабаб мазҳаби олдиндан қарор қабул қилишга таянади. Бу масалада Фаҳриддин Розий (606-1210) “Оли Имрон” сураси еттинчи оят муносабати билан ушбу сўзларни тилга олади: “Ҳар бир мазҳаб ўз қарашларига, яъни каломни қабул қилишига уйғун ҳолда оятларнинг муташобих эканлигини иддао қилади. Мўътазилий **“Истаган имон келтирсин, истаган инкор қилсин”** (“Қаҳф” сураси, 29-оят) оятини муҳкам, **“Оламларнинг Робби Аллоҳ истамагунча сиз истамассиз”** (“Таквир” сураси, 29-оят) оятининг муташобих эканини айтади. Аҳли сунна уламолари эса бу мавзуда тескари қарашни илгари суради” (Abu Naayon, 1420:23).

Шунингдек, муташобих оятларнинг турлари борасида ҳам олимлар тарафидан турли таърифлар келтирилган. Улар қуйидагилар:

1. Муташобих бу улар билан амал қилинмайдиган мансух оятлардир (Zarkashiy B., 1957:112).

2. Фарқли изоҳлар берилиши эҳтимоли бўлган оятларга муташобих оятлар дейилади (Suyuti J., 1951:3).

3. Қиёмат соати, ҳуруфи муқаттаот, охират ҳолатлари каби Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига хос бўлган илмлардир (Zarkashiy B., 1957:272).

4. Ҳалол ва ҳаром билан боғлиқ оятлардан ташқаридагилар муташобихдир (Rizo M., 1990:135-165).

Роғиб Исфаҳоний “ал-Муфрадот фи ғариби-л-Қуръан” номли асарида муташобих оятларнинг уч хил эканлигини ифода қилган. Булар ибора йўналишида муташобих, маъно йўналишида муташобих, ҳам ибора, ҳам маъно йўналишида муташобих бўлган оятлардир:

1. *Фақат ибора йўналиши билан Муташобих*

бўлган оятлар. Ибора йўналиши билан муташобих бўлган оятлар ўз ичида муфрад (бир сўз) калималарда ва жумла (сўз бирикмаси)ларда бўлиш асосида икки қисмга бўлинади. Биринчиси, муфрад калималар билан боғлиқ. Бу “*Аббан*” ва “*Язиффун*” сўзларида бўлгани сингари ё сўзнинг ғалати бўлиши жиҳатидан ёки “*Яд*”, “*Айн*” сўзларидаги каби жуда тушунарлилик жиҳатидандир.

Иккинчиси, мураккаб сўзнинг бутунига, яъни жумлага қаратилгандир. Жумлада муташобих бўлган оятлар уч қисмдир. Биринчиси, сўзни қисқартириш учун: **“Агар етимларга адолат қила олмасликдан кўрксангиз, ўзингизга ёққан аёллардан.... никоҳлаб олинг”** (“Нисо” сураси, 3-оят) оятидаги каби. Бу шаклда қисқа бир оят билан жуда кенг ҳуқуқий ва оилавий мавзулар англатилмоқдадир. Иккинчиси, сўзни узайтириш учун: **“У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир”** (“Шўро” сураси, 11-оят) оятида келганидек сўзнинг узайтирилишидан вужудга келган муташобихликдир. Учинчиси, сўзнинг қофияси учун: **“Ўз бандасига китоб нозил этган ва унда ҳеч бир эгрилик қилмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин”** (“Қаҳф” сураси, 1-оят) оятида келганидек жумланинг тузилишидаги услубга риоя қилиш бош масаладир. Бу оятнинг умумий маъноси: “Нуқсонсиз Китобни нозил қилди ва унга ҳеч бир эгрилик қўшмади” шаклидадир.

2. *Фақат маъно йўналиши билан муташобих бўлган оятлар.* Аллоҳнинг исм-сифатлари, қиёматдаги ҳолатлар ва жаннат неъматлари билан жаҳаннам аҳлининг азобини ифодалаган оятлар маъно йўналиши жиҳатидан муташобих ҳисобланади. Бу оятлар маъноси сезги органлари билан англаб бўлмагани учун тасаввури мумкин бўлмаган муташобих саналади.

3. *Ҳам ибора, ҳам маъно йўналиши билан муташобих бўлган оятлар.* Бу ҳам ўз ичида беш қисмга бўлинади: Биринчиси, микдор жиҳатидан умум ва хусусийликда бўлганидек сонда муташобих бўлган оятлар: **“Аллоҳга ширк келтирганларни топган ерингизда ўлдилинг”** (“Тавба” сураси, 5-оят). Бу оятда аниқ бир гуруҳ қасд қилинарган, гўё барча мушриклар қасд қилингандек англашилади. Иккинчиси, кайфият/сифат жиҳатидан, вожиб ва мандубликда бўлганидек, ҳолат нуқтаи назаридан муташобих бўлган оятлар: **“Сиз учун ҳалол бўлган аёллардан...уйланинг”** (“Нисо” сураси, 3-оят) оятида никоҳланиш амри вожибликни ифода қиляпдими ёки мубоҳними? Бу хусусида аниқ шаклда ифода этилмаган. Учинчиси, вақт нуқтаи назаридан, носих ва мансухда бўлганидек, вақт жиҳатидан муташобихлик: **“Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг”** (“Оли Имрон” сураси, 102-оят) ояти **“Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг”** (“Тағобун” сураси, 16-оят) ояти билан мансухми ёки

йўқлиги аниқ эмас. Тўртинчиси, оят нозил бўлган жой ва нозил бўлиш сабаблари жиҳатидан: Жоҳилият давридаги Араб одатларини билмасдан нозил бўлган баъзи оятларни тушуниш мумкин эмас. Масалан, **“Уйларга орқасидан кириш яхшилик эмасдир”** (“Бакара” сураси, 189-оят). Эҳромдалигида Араблар уйларининг эшигидан кирмасдан уйнинг орқасидан киришларида ҳеч қандай яхшилик йўқлигини билдирган оятни, бу одатни билмасдан тушуниш мумкин эмас. **“Аллоҳ ҳаром қилган нарсанинг ададига мослаш учун уни бир йил ҳалол қилурлар, бир йил ҳаром қилурлар. Бас, бу билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилурлар. Уларга амалларининг ёмонлиги зийнатланди. Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас”** (“Тавба” сураси, 37-оят). Араблар ҳаром ойларнинг ўрнини истаганларидек ўзгартиришларини ифодалаган оятнинг ҳам бу қилинган амални билмасдан тушуниш мумкин эмас. Бешинчиси, қилинган ишнинг саҳиҳ ёки ёлғон эканлиги шартлари асосида: Намоз ва никоҳнинг шартлари каби қилинган амалнинг тўғри ёки хатолигини кўрсатадиган шартлар жиҳатидан муташобих ҳисобланади.

Юқорида келтирилган маълумотларнинг ислом уламоларининг қарашлари асосида шаклланган бўлиб, Роғиб Исфаҳоний улар кўмагида муташобих оятларни маъносини тушуниш мумкин ёки мумкин эмаслиги жиҳатидан уч гуруҳга ажратади:

1. Махлуқот тарафидан билишга имкон бўлмаган, яъни Аллоҳдан бошқаси била олмайдиган муташобих оятлар. Жумладан, қиёматнинг ва даббатул арзнинг пайдо бўлиш вақти билан даббатул арзнинг сифатлари ва бошқалар.

2. Сабабларни излаш билан билиш мумкин бўлган муташобих оятлар. Масалан, ғалати ва бегона сўзлар билан ноаниқ ҳукмлар каби.

3. Муҳкам ва муташобих бўлиш жиҳатидан тараддуд қилинган (иккиланилган) муташобих оятлар. Бу қисмга кирган муташобих оятларни чуқур илм эгаларидан бошқалар билолмайдилар. Масалан, Расулуллоҳ (с.а.в.), Ибн Аббос (р.а.) учун “Аллоҳим, уни динда фақиҳ қил. Унга таъвилни ўргат” дея дуо қилиши шунга ишора қилмоқда (Hanbal A., 1992:264.).

Имом Шотибий (790-1388) эса муташобих оятларни иккига ажратган:

1. Мутлоқ (ҳақиқий) муташобихлар бўлиб, моҳиятини ёлғиз Аллоҳ таолонинг биладиган муташобихларга айтилади. Қуръондаги баъзи сураларнинг бошида келган ҳуруфи муқаттаот, Аллоҳнинг сифатлари, охират ҳолатлари, руҳ, сур, арш, истиво ва курсий каби муташобих оятлар шу қисмдан ўрин олган.

2. Изофий (нисбий) муташобихлар деб моҳияти

ва маъноларини илмда камолга етган олимларнинг англай оладиган муташобихларга айтилади. Изофий муташобихлар ҳам ўз ичида лафзий ва маъновий муташобихларга бўлинади. Лафзий муташобихлар оятлардаги калималарнинг тузилишида кўринадиган муташобихликдир. Бу ҳам ўз ичида ноодатий сўзлар ва муштарак иборалар бўлиш жиҳатидан иккига ажралади. Маъновий муташобихлар эса оятларнинг, аниқ эмаслиги ёки бирдан ортиқ маъно ифодалаши этибори билан мазмунида кўринадиган муташобихликдир (Shotibiy M., 2010:91).

Жалолиддин Суютий (911-1505) усул уламоларининг муташобих оятларни икки қисмга ажратганини таъкидлаган:

1. Муҳкам билан қиёсланганда маъноси билинадиган оятлар.

2. Ҳақиқатини билишга имкон йўқ бўлган оятлар.

Мужоҳид буларни шундай таърифлайди: “Муҳкам оятлар, ҳалол ва ҳаромга оид бўлган оятлардир. Муташобихлар эса баъзиси баъзисини тасдиқ ва тафсир қилган оятлардир”.

Ибн Абу Хотим ҳам Али ибн Абу Талха ва Ибн Аббос (р.а.)дан шундай ривоят қилади: “Муҳкамлар носих, ҳалол, ҳаром, имон келтирилиб, амал қилинадиган оятлардир. Муташобихлар эса мансух, муқаддам, муахҳар, қасамлар ва имон келтирилиб, амал қилинмаган оятлардир” (Suyuti J., 1951:2).

М.Закий Думаннинг таснифига кўра, Қуръонда мавжуд бўлган муташобих оятларни уч қисмда жамлаш мумкин:

1. Аллоҳнинг Зотидан сўз юритган оятлар ва тушунчалар.

2. Ал-Асмау-л-хусна ва Аллоҳ сифатларнинг ҳақиқатлари.

3. Охират билан боғлиқ ҳолда хабар берилиб, фақат охиратга ворислик қилгандан кейин борлиғи ёки моҳиятлари билинадиган ҳақиқатлар” (Duman M.Z., 2005:41).

Шунингдек, Қуръонда муташобих (хабарий) сифатлардан бўлган аҳад, ваҳид, тавҳид, истиво, арш, курсий, қалам, нузул, итён, мажий, Қурб, буъд, маъия, жанб, важх, нур, айн, шаҳодат, яд ва кабз каби тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, Салафи солиҳларнинг бир гуруҳи Аллоҳнинг зотиға, бир гуруҳи феълларига оид бўлган бу тушунчаларни зоти хабарий ва феъллий хабарий сифатлар дея иккига ажратишган. Турли мактабларга мансуб барча калом олимлари хабарий сифатларнинг тил қоидалари ва ақлий билимлар асосида таъвил қилиниши кераклиги борасида иттифоқ қилишган. Бунга кўра, яд “Қудрат”, важх “Зот”, айн “Илм”, истиво “Ҳукмронлик”, нузул “Раҳмат”, итён “Илоҳий амр” каби маънолар билан таъвил қилинган.

Умумий олганда, Салаф олимлари бу турдаги

сифатларнинг луғатдаги маъноларини изоҳламасдан, моҳиятларидан сўз очмасдан, таъвилга тобе тутмасдан ва ташбеҳга бормасдан “Би-ла кайф” (қандайлиги номаълум) маъноси билан ўхшатилиши кераклигини қабул қиладилар. Бу қарашга кўра хабарий сифатларнинг илоҳийёт мақомига хос маънолари бўлиб, уларнинг моҳиятларини фақат Аллоҳ билади. Имом Мотуридий ҳам илоҳий сифатларга оид моҳиятларнинг маълум бўлмаслигини айтгач, башар сифатида қўлга киритилган билимларнинг туйғулар оламига таянганлигини, илоҳий сифатларда эса башарий моҳиятларнинг аҳамияти йўқлигини таъкидлаган (Moturidiy A.M., 2005:146-152).

Муташобих оятларнинг сони муфассир ва мутакаллимлар орасида баҳсли мавзу бўлган. Тарихдан бу борада ислом олимлари орасида иттифок бўлмагани аниқ. Шу сабабли муташобихларнинг сони ҳақида қатъий бир рақам айтиш мумкин эмас. Шунингдек, Қуръони каримнинг барчаси муҳкам эканлигига иддао қилганлар мавжуд бўлганидек, барчасининг муташобих эканлигини айтувчилар ҳам бўлган (F.Roziy, 1986:134-136). Хусусан, “Оли Имрон” сурасининг 7-оятда келган муҳкам ва муташобих калималари фарқли изоҳлар билан тафсир қилиниб, уларнинг рақам ва маънолари хусусида турли тортишувлар юзага келган. Муташобих оятларнинг таҳлили, уларнинг таъвил ва тафсир қилиш бу мавзунинг энг асосий масаласидир.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)нинг қарашларига кўра муташобих оятлар бу - сура бошларидаги хуруфи муқаттаот ва насх қилинган оятлардир (Ibn Abbos, 2011:43).

Абул Ҳажжож Мужоҳид ибн Жабрнинг фикрига кўра муҳкам оятлар ҳалол ва ҳаром билан боғлиқ оятлар бўлиб, булардан ташқаридагилари эса муташобих саналади (Mujohid, 1989:248).

Қози Абдулжаббор ҳам муташобих оятларнинг сони ҳақида фикр билдирмай, фақат муҳкам ва муташобих оятларнинг қандайлигига аҳамият берган. Унинг фикрига кўра муҳкам қасд қилинган маънонинг зоҳиридан англашилган оятлардир. Муташобих эса қасд қилинган маънонинг зоҳиридан англашилмайдиган ва бир тахминга эҳтиёж сезадиган оятлардир. Муташобих оятларда қасд қилинган маъно билинади ва улар ҳам муҳкам оятларнинг ҳукмини олади” (Qozi Abduljabbor, 1996:598-601).

Мотуридий муташобихни: “Ўзидан бошқасига ўхшашлиги бўлган бир нарса” деб таърифлаган. Олим бир-бирига ўхшашлиги бўлган оятларни англашда мустақил йўлдан кетиш тарафдори бўлган. Унга кўра, “Қуръонни англаш учун Аллоҳ инсонга ақл берган. Қудратли Аллоҳ: **“Агар ақлингизни ишлатсангиз, шубҳасиз, сизга оятларимизни аниқ баён қилдик. Буни фақат ақл эгалари**

англайдилар” дея Қуръонни инсонларнинг англашига амр қилгандир” деган (Moturidiy A.M., 2005:27-33). Мотуридий “Бир нарсанинг яхши ёки ёмон эканлигини англаш ақл билан мумкин бўлади, Қуръонни англаш учун ақл юритиш, тафаккур ва тааммул қилиш лозимдир” дейди (Kutlu S., 2011:23-63). Имом Мотуридий муташобих оятлар устида изланиш олиб борганларни иккига ажратади:

1. Нияти ёмон, кўнгилларида фитна ва фасод чиқариш мақсади билан изланиш олиб борганлар. Улар куфр ичида бўлганлардир. Бундайларни Қуръони Каримда **“Қалбларида эгрилик бўлганлар фитна чиқариш учун муташобих бўлганларига эргашадилар”** деб таърифланган кимсалардир.

2. “Яхши ниятли ва диннинг асосига уйғун ҳолда қилинган таъвиллар. Уларни ҳамма мазҳабларда ҳам кўрмаслигимиз мумкин”, деган Мотуридий. Бу билан олим Қуръоннинг бу каби тадқиқотларга изн берганини ифода қилади (Moturidiy A.M., 2005:15-17).

Лекин Имом Мотуридий динда турли гуруҳларга бўлиб юборадиган, мусулмонларнинг бирлик ва ҳамжиҳатлигига раҳна соладиган, ўз мазҳаб ва қарашларини устун кўрадиган тарзда муташобих оятларни таъвил қилишнинг эътирозли бўлишини, бунинг ечимсиз муаммо ҳолига келишини таъкидлаган.

ХУЛОСА

Кўриниб турганидек, илк ислом давридан кунимизга қадар муташобих оятларнинг сони ҳақида уламолар орасида иттифок қилинмаган. Ислом олимлари муташобих оятларни таҳлил қилишда ўз нуқтаи назарларига кўра турлича қараш ва таснифларни илгари сурганлар. Бу таснифлар фарқли бўлсада, ҳаммасида оят маъносининг билиниши ёки билинмаслиги асос қилиб олингани кузатилади. Бу изоҳлардан бир қисми оятларнинг муташобихлигининг давомли эканини, бир қисми муташобихларнинг маъноларининг мавҳум қолиши ўткинчи ҳолат эканини, буларнинг вақт ўтгач, маъноларидаги ноаниқлик кетишини, ҳолатлари аниқликка етгач, муташобих бўлишдан чиқиши англашилмоқда. Шунингдек, муташобихликнинг бировдан бировга ўзгариши ҳам кузатилмоқда.

Муташобихлар, айни пайтда, Аллоҳ таоло илмининг чексизлиги ва ҳамма нарсани қамраб олишига далил бўлиш билан бирга инсониятнинг илми ва технологик тараққиётга қарамасдан бу ҳақиқат қаршисида Унинг илмига муҳтож ва илм фақат Унинг истагани қадар эгалланиши мумкинлигини исбот қилади. Муташобих оятлар Қуръон мўъжизавий хитобининг тенгсиз бир ибрати

сифатида ҳар бир суҳбатдошга ўз ақл ва дунёқараши имконияти даражасида англашни таклиф қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А.Мансур. (2020) Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: Ўқитувчи.
2. А.Дайнурий. (1950) Таъвилу-л-мушқули-л-Қуръан. Қоҳира: Дару-л-ихё.
3. Ибн Аббос. (2011) Танвиру-л-микбас мин тафсир ибн Аббас. (Мажидуддин Абу Тохир Муҳаммад Ёқуб Ферузободий таҳқиқи остида). -Байрут: Дару-л-кутуб ал-илмийя.
4. Б.Заркаший. (1957) Ал-Бурхон фи улуми-л-Қуръан. (Муҳаммад Абу Фазл Иброҳим таҳқиқи остида). Байрут: Дар ихйай-л-кутуби-л-арабийя.
5. Ф.Розий. (1986) Асосу-т-такдис. (Аҳмад Хижозий Шекка таҳқиқи остида). Қоҳира.
6. М.Замахшарий. (1960) Асосу-л-балоға. Қоҳира: Дар матбаа-и-шаъб.
7. Мужоҳид. (1989) Тафсири Мужоҳид. (Муҳаммад Абдуссалом таҳқиқи остида). Қоҳира: Дару-л-фикр ал-исламий.
8. Қози Абдулжаббор. (1996) Шарҳу-л-усули-л-хамса. Қоҳира: Мактабату-л-вахби.
9. А.М.Мотуридий. (2005) Китоб ат-тавҳид. (Бакир Топалогли таҳқиқи остида). Анкара: ИСАМ Яй.
10. А.Ханбал. (1992) Муснад. - Истанбул: Çağrı Yayınları, 1992. - Ж. 2. - Б. 264.
11. Иброҳим ибн Мусо Абу Исҳоқ Шотибий. Ал-Муваффақот. (Меҳмед Эрдоған таҳқиқи остида). Истанбул: İz Yayıncılık.
12. Ж.Суютий. (1951) Ал-Итқон фи улуми-л-Қуръан. Қоҳира: ал-Мактабату-л-асрийя.
13. М.Қаттон. (1975) Мабоҳис фи улуми-л-Қуръан. Ар-Риёд.
14. И.Абёрий. (1974) Ал-Мавсуату-л-Қуръанийяту-л-муяссара. Қоҳира.
15. Абу Ҳайён. (1420 ҳ.й.) Ал-Баҳру-л-муҳит фи-т-тафсир. (Сидқи Муҳаммад Жамил таҳқиқи остида). Байрут: Дару-л-фикр.
16. М.Ризо. (1990) Тафсиру-л-минор. Қоҳира: ал-Ҳаяту-л-мисрийяту-л-омма.
17. М.Шинқитий. (1995) Адвау-л-баян фи изаҳи-л-Қуръан би-л-Қуръан. Байрут.
18. A.Kalkan. (2014) Kur'an Kavramları Ansiklopedisi. İstanbul: Davut Emre Yay.
19. E.Yazır. (1992) Hak Dini Kur'an Dili // nşr. İsmail Karaçam v.dğr. İstanbul: Azim Dağıtım.
20. Z.Şaban. (1990) İslâm Hukuk İlminin Esasları (Usûl'l Fıkh). // trc. İbrahim Kafi Dönmez. Ankara: Türkiye Diyanet Vakfı Yay.
21. T.Başoğlu. (2006) "Muhkem" // Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. Ankara: TDV Yay.
22. Y.Yavuz. (2006) "Mütesâbih" // DİA. Ankara: TDV Yay.
23. M.Z.Duman. (2005) Mütesâbihatın Te'vili. // Bilimnâme Düşünce Platformu, sy. 3. Kayseri.
24. S.Ateş. (1995) Yüce Kur'an'ın Çağdaş Tefsiri. İstanbul: Yeni Ufuklar Neşriyat.
25. S.Kutlu. (2011) İmam Mâtürîdî ve Mâtürîdilik. Ankara:

Otto Yay.

REFERENCES:

26. A.Mansur. (2020) Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. Toshkent: O'qituvchi.
27. A.Daynuriy. (19550) Ta'vilu-l-mushkuli-l-Qur'an. Qohira: Daru-l-ihyo.
28. Ibn Abbos. (2011) Tanviru-l-miqbas min tafsir ibn Abbas. (Majiduddin Abu Tohir Muhammad Yaqub Feruzobodiy tahqiqi ostida). Bayrut: Daru-l-kutub al-ilmiyya.
29. B.Zarkashiy. (1957) Al-Burhon fi ulumi-l-Qur'an. (Muhammad Abu Fazl Ibrahim tahqiqi ostida). Bayrut: Dar ihyai-l-kutubi-l-arabiyya.
30. F.Roziy. (1986) Asosu-t-taqdis. (Ahmad Hijoziy Shekka tahqiqi ostida). Qohira.
31. M.Zamahshariy. (1960) Asosu-l-balog'a. Qohira: Dar matbaa-i-sha'b.
32. Mujohid. (1989) Tafsiri Mujohid. (Muhammad Abdussalom tahqiqi ostida). Qohira: Daru-l-fikr al-islamiy.
33. Qozi Abduljabbor. (1996) Sharhu-l-usuli-l-xamsa. Qohira: Maktabatu-l-vahbi.
34. A.M.Moturidiy. (2005) Kitob at-tavhid. (Bakir Topalog'li tahqiqi ostida). Anqara: ISAM Yay.
35. A.Hanbal. (1992) Musnad. Istanbul: Çağrı Yayınları, 1992. - J. 2. - B. 264.
36. Ibrahim ibn Muso Abu Is'hoq Shotibiy. Al-Muvaffaqot. (Mehmed Erdogan tahqiqi ostida). Istanbul: İz Yayıncılık.
37. J.Suyutiy. (1951) Al-Itqon fi ulumi-l-Qur'an. Qohira: al-Maktabatu-l-asriyya.
38. M.Qatton. (1975) Mabohis fi ulumi-l-Qur'an. Ar-Riyod.
39. I.Abyoriy. (1974) Al-Mavsuatu-l-Qur'aniyyatu-l-muyassara. Qohira.
40. Abu Hayyon. (1420 h.y.) Al-Bahru-l-muhit fi-t-tafsir. (Sidqi Muhammad Jamil tahqiqi ostida). Bayrut: Daru-l-fikr.
41. M.Rizo. (1990) Tafsiru-l-minor. Qohira: al-Hayatu-l-misriyyatu-l-omma.
42. M.Shinqitiy. (1995) Advau-l-bayan fi izahi-l-Qur'an bi-l-Qur'an. Bayrut.
43. A.Kalkan. (2014) Kur'an Kavramları Ansiklopedisi. İstanbul: Davut Emre Yay.
44. E.Yazır. (1992) Hak Dini Kur'an Dili // nşr. İsmail Karaçam v.dğr. İstanbul: Azim Dağıtım.
45. Z.Şaban. (1990) İslâm Hukuk İlminin Esasları (Usûl'l Fıkh). // trc. İbrahim Kafi Dönmez. Ankara: Türkiye Diyanet Vakfı Yay.
46. T.Başoğlu. (2006) "Muhkem" // Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. Ankara: TDV Yay.
47. Y.Yavuz. (2006) "Mütesâbih" // DİA. Ankara: TDV Yay.
48. M.Z.Duman. (2005) Mütesâbihatın Te'vili. // Bilimnâme Düşünce Platformu, sy. 3. Kayseri.
49. S.Ateş. (1995) Yüce Kur'an'ın Çağdaş Tefsiri. İstanbul: Yeni Ufuklar Neşriyat.
50. S.Kutlu. (2011) İmam Mâtürîdî ve Mâtürîdilik. Ankara: Otto Yay.